



XALQ DEPUTATLARI NUROTA TUMAN KENGASHI

210700, Nurota t., Islom Karimov sh. k 48, tel: (79)523-12-00

2022 йил «11» феврал

VII-34-8-5-74-K/22

Нурота тумани ҳокимлиги

2022 йилда туманда хизматлар соҳасини ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигига 2021 йил 14 декабрь куни кенгайтирилган тарзда ўtkазилган видеоселектор йигилишида “Хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар ҳамда ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш, 2022 йилда меҳнат баланси ва бандлик дастурини шакллантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги 55-сонли баёни ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек, хизматлар соҳасининг вилоятимиз иқтисодиётидаги улушкини кўпайтириш, иқтисодий ўсишини таъминлашда хизматлар соҳасини мухим драйверга айлантириш, мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, ҳар бир худуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш, худудларда, айниқса қишлоқ жойларда транспорт, молиявий, шунингдек, банк, туризм ҳамда савдо хизматлари қарорини кенгайтириш, мавжуд таълим ва соғлиқни сақлаш хизматлари салоҳиятини ошириш, бунда хусусий секторни жалб қилиш учун қулай иқтисодий ва инфратузилмавий шароитларни яратиш ва 2022 йилда хизматлар ҳажмини бир ярим баробарга ошириш асосий вазифа сифатида белгилаб олинди.

2022 йилда туманда хизматлар ҳажми 470,5 млрд сўмга, ўсиш суръати 148,4 фоизга етказилиши, хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича мавжуд барча имкониятлардан фойдаланиш натижасида 1864 та иш ўринлари яратилиши белгилаб олинди.

Жумладан:

худудий инвестиция дастури доирасидаги лойиҳаларнинг ишга туширилиши ҳисобига 119 та;

“Хар бир оила тадбиркор” дастурлари ва бошқа кредит линиялари доирасида оилавий тадбиркорликни йўлга кўйиш ҳисобига 104 та;

кўнгилочар кўча ва савдо марказларини ташкил этиш ҳисобига 18 та;

туризм соҳасини ривожлантириш ва кенгайтириш ҳисобига 67 та;

қишлоқ хўжалиги хизматини ривожлантириш ҳисобига 27 та;

ижтимоий соҳа хизматини ривожлантириш ҳисобига 27 та, шундан таълим йўналишидаги ўқув маркази ташкил этиш ҳисобига 4 та, соғлиқни сақлаш хизматини ривожлантириш ҳисобига 3 та ҳамда оилавий ва давлат-хусусий шерикчилик мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш ҳисобига 20 та;

енгил конструкцияли ва кўчма хизмат кўrsatiш ва савдо объектларини ташкил этиш ҳисобига 25 та;

кўп қаватли уйларнинг биринчи қавати ва ертўласида хизмат кўрсатиш обьектларини ташкил этиш ҳисобига 15 та;

норасмий фаолият юритаётган хизмат кўрсатувчи субъектларни легаллаштириш ҳисобига 720 та ва норасмий фаолият кўрсатаётганларни ўзини-ўзи банд қилиш ҳисобига 415 та;

истироҳат боғларидан самарали фойдаланиш, қўшимча хизмат кўрсатиш ва сервис обьектларини жойлаштириш ҳисобига 8 та;

маҳаллаларда этишмайдиган янги хизмат турларини ташкил этиш ҳисобига 83 та;

бўш турган бино(иншоот)лар ва ер майдонларида ижтимоий хизматларни ташкил этиш ҳисобига 15 та;

савдо ва бозор мажмуаларини барпо этиш ҳисобига 12 та;

йўл бўйи худудидаги ер участкаларини аукцион савдоларида сотиш ҳисобига 175 та;

транспорт хизматини ривожлантириш ҳисобига 10 та;

тадбиркорлик субъектларининг ўз маблағлари эвазига хизмат кўрсатиш обьектлари ташкил этиш ҳисобига 24 та;

Юқоридагиларни инобатга олиб, депутатлар ва корхона, ташкилотлар фаоллари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифларни инобатга олиб, ҳалқ депутатлари туман Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2021 йил 14 декабрь куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишида “Хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар ҳамда ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш, 2022 йилда меҳнат баланси ва бандлик дастурини шакллантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги 55-сонли баёнида берилган топшириқлар раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туманда 2022 йилда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури 1-иловага, туманда 2022 йилда хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага, Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2021 йил 14 декабрь куни “Хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги ҳамда келгусидаги устувор вазифалар ҳамда ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш, 2022 йилда меҳнат баланси ва бандлик дастурини шакллантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижроси юзасидан туманда 2022 йилда хизматларни ривожлантириш дастурлари доирасида яратиладиган иш ўринларининг прогноз кўрсаткичлари 3-иловага, туманда 2022 йилда хизматлар соҳасида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг манзилли рўйхати 4-иловага, туманда 2022 йилда хизматлар соҳасида амалга ошириладиган истиқболли лойиҳаларнинг манзилли рўйхати 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими, туман статистика бўлими (Ш.Исмоилов) 2022 йилда хизмат кўрсатиш ҳажмини 470,5 млрд сўмга, ўсиш суръатини 148,4 фоизга бажарилиши юзасидан зарурий чораларни кўрсинглар.

4. Сектор раҳбарлари (А.Файзиев, Ф.Норов, У.Шукуров, С.Қулмонов) тегишли корхона ва ташкилотлар билан биргаликда дастурда берилган топшириқлар ижросини ҳамда ушбу дастурга асосан амалга ошириладиган лойиҳаларда яратиладиган янги иш ўринларининг ташкил этилишини назоратга олсин ва туман ҳокимлигига маълумот тақдим этиб борсинлар. Шунингдек, ҳар ойда хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича кўрилаётган чораларни ҳалқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига муҳокама

учун киритсинлар.

5. Туман давлат солиқ инспекцияси (С.Қулмонов), ахоли бандлигига құмаклашиш маркази (И.Амонов), туман статистика бўлими в.в.б.(Ш.Исмоилов) хизматлар соҳасини ривожлантириш натижасида ташкил этилган янги иш ўринларини солиқ ва статистик ҳисоботларда акс эттирилишини таъминласинлар.

6. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари тижорат банклари билан биргаликда “Ҳар бир оила тадбиркор” дастури доирасидаги лойиҳаларга кредит маблағларини ўз муддатида ажратилишини ва уни самарали ишлатилишини назоратга олинишини таъминласин.

7. Туман курилиш бўлими (Ж.Аҳматқулов) ва давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги туман бўлими (Р.Сафаров) хизматлар қўрсатиш ва сервис лойиҳаларини ташкил этиш мақсадида, аниқланган бўш ер участкаларини белгиланган тартибда электрон аукцион савдоларига чиқариш чораларини қўрсинг.

8. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосарига мазкур дастурда берилган топшириклар ижросини назоратга олиш ва ижроси юзасидан ҳар чоракда белгиланган тартибда ҳалқ депутатлари туман Кенгашига ҳисбот бериб бориш вазифаси юклатилсин.

9. Ҳалқ депутатлари туман Кенгаши депутатларига мазкур дастур асосида амалга оширилган ишлар юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва қўрилаётган чораларни муҳокама қилиб бориш хамда натижалари бўйича тегишли раҳбарлар фаолиятига танқидий баҳо бериб бориш тавсия этилсин.

10. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари (Ш.Рустамов, Р. Азимов, Ф.Ёдгоров, Ш.Вафоев, А.Шокиров) ва ҳалқ депутатлари туман Кенгашининг доимий комиссиялари зиммасига юклатилсин.

Сессия раиси



Safarov O. M.